

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

туман суди, суд бинотида, очик суд мажлисида, шу суднинг раиси
раислигида, котиблигида, тарафлардан: давлат
айбловчиси туман прокурорининг катта ёрдамчиси,
жабрланувчилар ва, судланувчи ва
унинг ҳимоячиси иштирокида,
нисбатан бўлган -сонли жиноят ишини
кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

қисми “ ” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб,
жиноят иши ҳужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, ишда мавжуд бўлган
далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни


А Н И Қ Л А Д И:

алдаш ва ишончни суиистеъмол
қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ва мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга
киритиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг йил
“ ” билан меҳнат миграцияси соҳасида
хамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги -
сонли Қарорига асосан Республикасига ишлаш мақсадида бормоқчи
бўлган фуқаролар аввало ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига
меморандумга мувофиқ бандликка руҳсат бериш тизими бўйича тест
синовларидан ўтиш, тест синовларида қатнашганлик кўникмаларни
баҳолаганлик учун белгиланган тартибда давлат божларини амалга ошириш,
шу билан бир қаторда тиббий кўрикдан ўтишини онгли равишда билган

бўлса-да, [REDACTED] йилнинг декабрь ойи ўрталарида таниши [REDACTED] АҚШ доллари берса тест синовларидан ўтказиб, [REDACTED] Республикасига ишлаш учун юборишини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, ишончини суиистеъмол қилиб, [REDACTED] йил декабрь ойининг охирларида сўмга нисбатан қиймати [REDACTED] сўмни ташкил қилган [REDACTED] долларини, [REDACTED] йилнинг [REDACTED] ойида сўмга нисбатан қиймати [REDACTED] сўмни ташкил қилган [REDACTED] АҚШ долларини [REDACTED] йилнинг июнь ойида сўмга нисбатан қиймати [REDACTED] сўмни ташкил қилган [REDACTED] АҚШ долларини, жами бўлиб сўмга нисбатан қиймати [REDACTED] сўмни ташкил қилган [REDACTED] АҚШ долларини [REDACTED], “ [REDACTED] ” маҳалласи, [REDACTED]-уй, [REDACTED] хонадонида фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, [REDACTED] жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ва мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида, [REDACTED] йил декабрь ойининг охирларида таниши [REDACTED] орқали танишган фуқаро [REDACTED] ўғлига [REDACTED] АҚШ доллари берса тест синовларидан ўтказиб, [REDACTED] Республикасига ишлаш учун юборишини айтиб, алдаб, унинг ишончига кириб, ишончини суиистеъмол қилиб, [REDACTED] 2016 йил декабрь ойининг охирларида сўмга нисбатан қиймати [REDACTED] сўмни ташкил қилган [REDACTED] АҚШ долларини [REDACTED] тумани, “ [REDACTED] ” маҳалласи, [REDACTED] хонадонида, [REDACTED] йилнинг февраль ойида сўмга нисбатан қиймати [REDACTED] сўмни ташкил қилган [REDACTED] АҚШ долларини ва [REDACTED] йилнинг май ойида [REDACTED] сўмни ташкил қилган [REDACTED] долларини [REDACTED] шаҳрида, жами бўлиб [REDACTED] сўмга нисбатан қиймати [REDACTED] сўмни ташкил қилган [REDACTED] АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, [REDACTED] йилнинг охирларида таниши [REDACTED] қилиб, ўғли [REDACTED] давлатига ишлаш учун бормоқчилигини, Корея давлатига одам юбораётганини эшитганини айтгани, шунда [REDACTED] ҳақиқатдан [REDACTED] давлатига ишлаш учун одам юбораётганини айтгани, сўнг [REDACTED] ўғли унга келиб учрашишини айтгани, [REDACTED] йил декабрь ойининг бошларида [REDACTED] тумани, “ [REDACTED] ” маҳалласи, [REDACTED]-уй, [REDACTED]-хонадонига [REDACTED] келгани, [REDACTED] долларини берса тест синовларидан ўтказиб, [REDACTED] Республикасига ишлаш учун юборишини айтгани, [REDACTED] АҚШ доллари беришга розилигини, лекин пулни ҳаммасини бирданга бера олмаслигини, бўлиб-бўлиб беришини айтгани, бир неча кундан сўнг [REDACTED] кўнғироқ қилиб, [REDACTED] вилоятида яшовчи қариндоши [REDACTED] давлатига ишлаш учун бормоқчилигини айтгани, шунда [REDACTED] ҳам [REDACTED] АҚШ доллари берса уни ҳам тест синовларидан ўтказиб, [REDACTED] Республикасига ишлаш учун юборишини айтгани, кейин [REDACTED] кўнғироқ қилганида, унга [REDACTED] АҚШ доллари берса [REDACTED] давлатига юборишини айтгани, [REDACTED] йил декабрь ойининг



Жабрланувчи [REDACTED] судда, [REDACTED] йилнинг [REDACTED] бориши учун имтиҳонлардан ўтишда ёрдам беришини сўраганида [REDACTED] унга тест синовларидан ўтишида ёрдам беришини ва Корея давлатига ишлаш мақсадида юборишини, буни эвазига [REDACTED] АҚШ доллари бериши кераклигини айтгани, шунда [REDACTED] бирданига [REDACTED] бунга рози бўлгани, [REDACTED] йил декабрь ойининг охирларида [REDACTED] кўнғироқ қилиб, имтиҳонлар яқинда бошланишини, уйига келишини айтиб чақиргани, ўзи [REDACTED] вилоятида яшовчи жияни [REDACTED] билан бирга [REDACTED] уйига боргани, шу жойда [REDACTED] ҳам [REDACTED] давлатига ишлаш учун бормоқчилигини айтганида, [REDACTED] давлатига юборишини, тест синовларидан ўтиши [REDACTED] АҚШ доллари бериши кераклигини айтгани, [REDACTED] ҳам [REDACTED] АҚШ долларини бўлиб-бўлиб тўлашга рози бўлгани, кейин шу ерда [REDACTED] ўзи [REDACTED] АҚШ доллари, [REDACTED] эса [REDACTED] АҚШ доллари бергани, [REDACTED] йилнинг февраль ойида [REDACTED] давлатига кетиш учун имтиҳонлар бошланишини, уларга имтиҳондан ўтказиш учун жой олиб қўйишини билдиргани, сўнг [REDACTED] йилнинг февраль ойида имтиҳон бўлмагани, шунда [REDACTED] имтиҳонлар нега бўлмаётганини сўраганида, у имтиҳонлар чўзилаётганини, тез кунда бўлишини айтгани, [REDACTED] йилнинг май ойида ишлаб йиққан [REDACTED] долларини [REDACTED] давлатига ишлаш учун имтиҳонлардан ўтказиши эвазига [REDACTED] нг тахминан 9 ёки 10 апрель куни [REDACTED] кўнғироқ қилиб, 2018 йил 11 апрель куни имтиҳон бўлишини айтгани, сўнг 2018 йил 11 апрель куни [REDACTED] давлатига ишга кетиш учун [REDACTED] шаҳрида ўтказиладиган биринчи имтиҳонга [REDACTED] киргани, ўзи эса 12 апрель куни киргани, иккаласи ҳам биринчи имтиҳондан ўтгани, сўнг 2018 йил июнь ойининг ўрталарида яна [REDACTED] АҚШ доллари миқдорига пулни [REDACTED] “ [REDACTED] ” маҳалласидаги яшаш уйига олиб бориб бергани, 2018 йилнинг август ойида Б.Тангрикулов кўнғироқ қилиб, иккинчи

имтиҳон бўлишини айтгани, сўнг [REDACTED] шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи имтиҳондан [REDACTED] иккаласи ҳам йиқилгани, кейин [REDACTED] қўнғироқ қилиб, имтиҳондан ўтказма олмаганини айтганида, [REDACTED] шошмай туришини, бир ойдан кейин яна имтиҳон бўлишини айтгани, шундан сўнг [REDACTED] билан бир неча марта гаплашганида шошмай туришини, ҳал бўлишини айтиб келгани, кейин [REDACTED] алдаб пулини олганини билгани, кейин [REDACTED] пулини қайтариб беришини сўраганида пулини бермасдан алдаб келгани, ҳозирги вақтда [REDACTED] жами [REDACTED] АҚШ долларини тўлиқ қайтариб бергани, [REDACTED] ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида баён қилиб, унга энгил жазо тайинлашни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, 2016 йилнинг декабрь ойида [REDACTED] билан телефонда гаплашганида, у Корея давлатига ишлаш учун кетаётганини, [REDACTED] тест синовларидан ўтказиб беришини, эвазига [REDACTED] АҚШ доллари бериши кераклигини айтгани, шунда [REDACTED] ўзи ҳам Корея давлатига кетмоқчилигини айтиб, [REDACTED] орқали ўзини ҳам гаплашиб кўришини илтимос қилгани, шунда [REDACTED] унга [REDACTED] телефон рақамини бергани, кейин [REDACTED] ўзи Корея давлатига бориб ишлаш мақсади борлигини айтганида, [REDACTED] АҚШ доллари берса Корея давлатига тест синовларидан ўтказиб юборишини айтгани, шунда [REDACTED] 5.000 АҚШ долларини бўлиб-бўлиб беришини айтгани, [REDACTED] йил декабрь ойининг охирларида [REDACTED] туманига келиб, қариндоши [REDACTED] билан бирга [REDACTED] тумани, “ [REDACTED] маҳалласидаги уйига бориб, [REDACTED] АҚШ доллари ва ўзи [REDACTED] доллари бергани, [REDACTED] 2017 йилнинг февраль ойида Корея давлатига кетиш учун имтиҳонлар бошланишини, уларни имтиҳондан ўтказиш учун жой олиб қўйишини айтгани, белгиланган вақтда имтиҳон бўлмагач [REDACTED] қўнғироқ қилиб, имтиҳонлар чўзилаётганини, 2017 йилнинг апрель ойида имтиҳонлар бўлишини айтгани, лекин имтиҳонлар бўлмасдан чўзилиб келгани, 2018 йилнинг февраль [REDACTED] шаҳрида [REDACTED] АҚШ доллари бергани, 2018 йилнинг 9 ёки 10 апрель куни [REDACTED] қўнғироқ қилиб, 2018 йил 11 апрель куни имтиҳон бўлишини айтгани, сўнг 2018 йил 11 апрель куни [REDACTED] ҳонга киргани, иккаласи ҳам биринчи имтиҳондан ўтгани, сўнг 2018 йил май ойининг охирларида [REDACTED] ент шаҳрида [REDACTED] АҚШ доллари бергани, 2018 йилнинг август ойида [REDACTED] қўнғироқ қилиб, иккинчи имтиҳон бўлишини айтгани, [REDACTED] шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи имтиҳондан [REDACTED] ва ўзи йиқилгани, кейин [REDACTED] қўнғироқ қилиб, имтиҳондан ўтказма олмаганини айтганида, [REDACTED] шошмай туришини, бир ойдан кейин яна имтиҳон бўлишини, шунда ўтишини айтгани, кейинги имтиҳонда ҳам ўта олишмагани, [REDACTED] нима бўлганини сўрашганида, у кўнглини тўқ қилишини, ҳаммаси яхши бўлишини айтиб алдаб келгани, кейин [REDACTED] Корея давлатига кетмаслигини, пулини қайтариб беришини

сўрашгани, шунда [REDACTED] [REDACTED] жами [REDACTED] АҚШ долларини тўлиқ қайтариб бергани, [REDACTED] ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида баён қилиб, унга енгил жазо тайинлашни сўради.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячининг фикрини, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, [REDACTED] содир этган жинояти, юқорида келтирилган далиллардан ташқари, жабрланувчиларнинг ёзган аризалари, кириш-чиқиш кўнғироқлари рўйхати, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қароридаги тушунтиришлардан келиб чиққан ҳолда, суд, тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани такроран қўлга киритганликдаги жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED] банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси иккинчи бандида, агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс Махсус қисми айнан бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилиши кўрсатилганлиги сабабли, суд судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED] банди билан жавобгарликка тортишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED]-моддаси бешинчи бандида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.

[REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, [REDACTED] жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон

Республикаси ЖКнинг 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорларининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, оилавий шароити ва имкониятини, айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчиларнинг ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, қарамоғида беш нафар фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED] банди билан модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси [REDACTED] моддасига асосан унинг дастлабки қамокда сақланган кунининг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, тайинланиши лозим бўлган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегиришни, унга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд залида қамокдан озод қилишни лозим топади.

Суд, жабрланувчи [REDACTED] етказилган [REDACTED] АҚШ доллари ва жабрланувчи [REDACTED] етказилган [REDACTED] АҚШ доллари тўлиқ қопланганлигини ҳамда жабрланувчиларнинг судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED] қисми “б” банди билан айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED] банди билан иш ҳақининг [REDACTED] фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган [REDACTED] йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED] асосан [REDACTED] 2019 йил 10 октябрь кунидан 2019 йил 22 октябрь кунига қадар қамокда сақланган [REDACTED] кунининг ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилиб, ўташ учун иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда [REDACTED] кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси [REDACTED] жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилаган жойларда ўтаттирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг ижроси [REDACTED] тумани ИИБ жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилсин.

